
#ЖАРАЁН 13/05/2024 ҚИРҚВОЛИДАЛИКЛАР БИРЛАШИБ ПИЛЛА ТАЕРИШМОҚДА

Бағдод тумани ҳоқими Ғанижон Солиев – Ҳорманг пиллакорлар – дея уларни йўқлар экан уй эгасига тефал-термос топшираётиб – ҳашарчиларинизга иссиқ-иссиқ чой дамлаб беринг, мароқли пилла терими ҳам мавсумнинг энг кутилган даври. Биринчилардан бўлиб пилла теришни бошлаганларинг билан табриклайман – деди.

Туман ҳоқими ўринбосари Тўлқиной Тожиева, Нурунийлар бўйича маслаҳатчи Машрабжон Ҳурбоев ва “Қирқволида” маҳалласи масъуллари, пиллароклар қўлларини дуога очиб Юртбошимизнинг ипакчилик соҳасидаги ислоҳотларига ҳам шукроналик билдиришиб тез кунларда бу меҳнатлар самарасини биргаликда кўришликни тилашди.

Туманимизда ипак қуртини парваришлаб пилла теришга киришган фуқароларнинг бандлиги ва даромадли бўлиши таъминланди, шу билан бирга, фуқаролар 1 йиллик меҳнат стажига ҳам эга бўлишди.

Бир мақсад йўлида бирлашган ушбу қирқволидаликларлар режада белгиланган пилла тайёрлашни шу кунларда уддалашни ният қилишган.

2024-05-14 21:14:23